Якинда шахар думаси[1] очилур. Шахар думаси, шахаримизнинг покизалик ва ободлиги, мактабларимизнинг тараккий ва интизоми, болаларимизнинг тарбияси ва халкимизнинг тинчлиги учун керак бўлган ишларни ўз кўлига олур. Шахримиздан хазинага киратурган окчаларни шу йўлларда сарф килмокчи бўлур.

Бу олдимиздаги шахар думаси эски хукумат замонидаги шахар думаларига ўхшамас. Йигирмадан ўтган бутун шахар одамларининг ихтиёрлари билан сайланурлар. Бу шахар думасинда жухуддан, русдан, мусулмондан вакил килиб ўтурур[2]. Ва шахар ишлари учун гапурушурлар. Шахарнинг кайси китъасинда касалхоналар курмок керак, шахарнинг кайси китъасиндаги йўлларни тузатмок керак, шахарнинг кайси китъасинда канча мактаб солмок керак деб кенгашурлар ва шул тўгрилардаги ишларни «вакиллар кўбчилиги» нинг карори билан килмокчи бўлурлар. Вакиллар кўбчилиги хаммадан бурунрок эски китъанинг ерларин тузатурга карор берса, чора йўк, шу килинур. Вакиллар кўбчилиги кўброк касалхоналарни янги китъада солмокчи бўлса, иложи йўк, шу бўлур.

Мана шуларни онглаган хар жамоат, хар миллат шахар думасига ўзидан кўброк вакил ўтказмок учун тиришадир, думанинг кўбчилигининг ўзига олмокчи бўладир. Ўтган хафтадаги «тахрири нуфус»дан[3] онглашилдики: шахримизда халкнинг тўртдан учи мусулмон ва тўртдан бири рус, армани ва жухуд эканлар. Шунга караганда унлар хазинадан чиким бўлатурган окчанинг уч шунчаси биз учун чикгучидур. Унларга мактаб очилса бизга учта; унларга бир касалхона очилса бизга учтаси очгули; унларга бир пут бугдой керак бўлса бизга уч пут керакдир.

Кискаси шулким: бизнинг хакимиз уларнинг хактариндан уч йўла беркдир. Мана шуларни тилаб олмок учун шахар думасининг кўбчилигини олмок керак, шахар думасининг кўбчилигини олмок учун мусулмонларнинг сайлов куни лозимдур. Йўк, сайлов куни хар ким ўз уйинда ўтирса; бошкалар кўбчилик бўлиб келсалар ва думанинг кўбчилигини ўз тарафларига ўткарсалар; у вакт биз хеч бир хакимизга эришолмасмиз, яна эски каби хукуксиз бўлиб колурмиз; яна эскиси каби ўз шахримизда ўз окчамизнинг рохатини ўзимиз кўролмасмиз.

Шунинг учун багириброк айтаманким, ўз халкларини яна бошкаларнинг оёклари остинда кўймокчи бўлмаган мусулмонлар! Сайлов куни гофил колманглар, кўбчилик бўлиб келурга тиришинглар.

(«Хуррият», 1917 йил, 25 август, 33-сон)

Кайта нашри: «Ёшлик», 1991,10-сон, 44—45-бетлар (Н. Авазов нашрга тайёрлаган). Макола Самарканд шахри думасига сайловлар олдидан ёзилган.

[1] Дума — Русиядаги сайлов тизимига кўра мустамлака ўлкалардаги халк вакиллиги

органлари хам дума деб юритилган.

[2] вакил килиб ўтурур — Самарканд шахри кўп миллатли бўлгани учун шахар думасига, асосан, турк, рус ва яхудий миллатига мансуб кишиларгина сайловларда катнашиш хукукини олганлар.

[3] тахрири нуфус — Самаркандда 1917 йил 18—20 августларда сайлов олдидан ахолини рўйхатга олиш ўтказилган, ўша назарда тутилади.